

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВ МИРКОМИЛ МИРЗАТОЛИБОВИЧ**

**ЕРЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАШИНА ТЕКИСЛАГИЧ-  
ЮМШАТКИЧИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Халилов Миркомил Мирзатолибович**

Ерларни экишга тайёрлайдиган машина текислагич-юмшаткичининг  
параметрларини асослаш..... 3

**Халилов Миркомил Мирзатолибович**

Обоснование параметров выравнителя-рыхлителя машины для  
подготовки почвы к севу..... 19

**Khalilov Mirkomil Mirzatolibovich**

Justification of the parameters of the leveler-ripper machine for preparing the  
soil for sowing ..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВ МИРКОМИЛ МИРЗАТОЛИБОВИЧ**

**ЕРЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАШИНА ТЕКИСЛАГИЧ-  
ЮМШАТКИЧИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2020-01-13 В2017.3.PhD/Т480 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.nammiq.uz](http://www.nammiq.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Имомқулов Қутбиддин Боқижонович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Тожиёв Расулжон Жумабоевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160103 Наманган, Ислоҳ Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [nmpi\\_info@edu.uz](mailto:nmpi_info@edu.uz).)

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160103 Наманган, Ислоҳ Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Ғ. Байбобоев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси в.в.б., т.ф.д., доцент

**В.М. Турдалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

**А.Х. Умурзақов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда тупроққа экишдан олдин ишлов берадиган энергия-ресурстежамкор, иш унуми юқори бўлган агрегатларни ишлаб чиқариш ва қўллаш етакчи ўринни эгаллайди. «Ҳозирда дунё бўйича тупроққа экишдан олдин ишлов бериладиган майдон 1,6 млрд. гектарни ташкил этишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган, энергия-ресурстежамкор ҳамда иш сифати ва унуми юқори бўлган агрегатларни яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни ортиб бориши, экинларда юқори ҳосил олиш учун тупроққа сифатли ишлов берадиган машиналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда тупроққа экиш олдидан сифатли ишлов беришга катта аҳамият берилади. Чунки, бу тадбир сифатли бажарилмаса, яъни тупроқ майин бўлиши ўрнига серкесак бўлса, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини агротехника талаблари даражасида сифатли экиб бўлмайди, экилган уруғлар қийғос униб чиқмайди ва ҳар бир гектардан меъёридаги кўчат олинмайди. Бу ўз навбатида экинларнинг ҳосилдорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини пасайишига олиб келади, шу сабабли экинлар турини тўғри танлаш, қўл меҳнати ва ресурсларни тежаш орқали тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва иш сифатини оширишни таъминлайдиган техника воситаларини янада такомиллаштириш бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар, чуқур таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнологияларини яратиш, уларни модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экинлар турини тўғри танлаш, қўл меҳнати ва ресурсларни тежаш орқали тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва иш сифатини оширишни таъминлайдиган техника воситаларини янада такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига доир Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»<sup>2</sup>

<sup>1</sup>[www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf](http://www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан ерларга эрта баҳор ва экиш олдидан ишлов беришда агрегатларнинг техник ва технологик жиҳатдан энергия-ресурстежамкорлигини таъминлаш ҳисобига меҳнат сарфини камайтириш, иш унуми ва сифатини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида ерларни экишга тайёрлаш технологик жараёнлари самарадорлигини ошириш учун турли ишчи қисмлар ва қурилмалар кўплаб ишлаб чиқилган. Улар конструкторлик бюроларига янги машиналарни яратиш учун тавсия этилган.

Ерларни экишга тайёрлайдиган ишчи қисмлар ва қурилмаларни яратиш, уларнинг технологик иш жараёнлари ва параметрларини асослаш ҳамда такомиллаштириш бўйича хорижда К.Sunil (Ҳиндистон), R.Abdelraouf ва M.Hani (Миср), А.Н.Коперин, А.И.Кученко, В.И.Таранин, М.С.Чекусов (Россия Федерацияси) ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу йўналишда республикамизда М.А.Ахмеджанов, В.Н.Соколов, А.Тўхтақўзиев, А.Т.Эгамов, Б.К.Утепбергенов, К.Мухаммадсодиқов, М.П.Калимбетов ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқотларда бир ўтишда ерларни экишга тайёрлайдиган текислагич-юмшаткич машинасини ишлаб чиқиш ва унинг ишчи қисмларини кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-3-002-2015 «Ерларни экишга тайёрловчи текислагич-юмшаткични ишлаб чиқиш» (2015-2017) ҳамда КХ-Итех-2018-24 «Шудгорланган ерларга изма-из

ишлов берувчи машинанинг саноат нухасини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2018-2019) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ерларни экишга тайёрлайдиган машина текислагич-юмшаткичининг иш сифатини талаблар даражасида кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ерларни экишга тайёрлаш технологиялари ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган машиналар ҳамда уларга доир бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

ерларни экишга тайёрлайдиган машина текислагич-юмшаткичининг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрларини аниқлаш;

текислагич-юмшаткичининг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини асослаш;

текислагич-юмшаткичининг параметрлари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигини унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

текислагич-юмшаткич параметрларининг мақбул қийматларини асослаш;

асосланган параметрларга эга бўлган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган машина дала синовларини ўтказиш ва самарасини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тупроқнинг физик-механик хоссалари, машинанинг текислагич-юмшаткичи ва унинг тупроқ билан таъсирлашиш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** машина текислагич-юмшаткичининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик ифодалар ҳамда унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини текислагич-юмшаткичининг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида текислагич-юмшаткич параметрларини асослашда назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда (ГОСТ 20915-11, TSt 63.03.2001, TSt 63.04.2001 ва РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

машина текислагич-юмшаткичининг конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

текислагич-юмшаткичининг параметрлари унинг олдида тупроқ уюлиб қолмаслиги, ишлов берилаётган қатлам тўлиқ юмшатилиши ҳамда пичоқлар орасига ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ тиқилиб қолмаслиги ҳисобга олинган ҳолда асосланган;

текислагич-юмшаткичининг таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа унинг пичоқлари ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда

аниқланган;

ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткичнинг мақбул параметрлари пичоқлари узунлиги ва улар орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар, унга бериладиган тик юкланиш ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлигини инобатга олган ҳолда кўп омилли тажрибаларда олинган регрессия тенгламаларини ечиш орқали аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган энергия-материалҳажмдорлиги нисбатан паст, иш сифати ва унуми юқори бўлган ҳамда махсус пичоқлар ва асосланган параметрларга эга бўлган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган машина ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган машина ерларни экишга тайёрлашда қўлланилганда иш унумининг ортиши ҳамда энергия ва ресурс сарфлари камайиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларини ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, машина текислагич-юмшаткичининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган машина дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти машина текислагич-юмшаткичининг ерларни экишга тайёрлашда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш машиналарнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган машина қўлланилганда бир ўтишда дала юзасида майин тупроқ қатлами ҳосил бўлиши ва унга кўшимча ишлов беришга эҳтиёж қолмаслиги, ёнилғи ва моддий харажатлар ҳамда меҳнат сарфининг камайиши ва иш унумини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ерларни экишга тайёрлайдиган машина текислагич-юмшаткичининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ерларга экиш олдида ишлов беришда технологик жараёнлар бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга дастлабки талаблар ва ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган ерларни экишга тайёрлайдиган машина конструкциясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш учун техник топшириқ «ВМКВ-Agromash» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/023-

2965-сон маълумотномаси). Натижада ишчи сирти пичоқлар билан жиҳозланган текислагич-юмшаткичли ерларни экишга тайёрлайдиган машина конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган ерларни экишга тайёрлайдиган машинанинг саноат нусхаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/023-2965-сон маълумотномаси). Натижада осма ва юқори манёврли ҳамда таклиф этилаётган текислагич-юмшаткич билан жиҳозланган ерларни экишга тайёрлайдиган машинани ишлаб чиқариш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган экишга тайёрлайдиган текислагич-юмшаткич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги фермер хўжаликларида, жумладан Тошкент вилояти Янгийўл, Қуйичирчиқ ва Оққўрғон туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/023-2965-сон маълумотномаси). Натижада ерларни экишга тайёрлашда фойдаланишдаги харажатлар 17,7 фоизга, меҳнат сарфи 13,6 фоизга камайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Муаммонинг қўйилиши. Тадқиқот мақсади ва вазифалари»** деб номланган биринчи бобида республикамиз шароитида ерларни экишга тайёрлаш технологияларининг, ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган текислагичларнинг, ғалтакмолаларнинг таҳлили, ерларни текислашда қўлланиладиган машина ва уларнинг иш органларини


яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш, параметрларини асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилиб чиқилган ва улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Республикамизда ерларни экишга тайёрлашда МВ-6,0, МВ-6,5 каби молалар, ВП-8,0 текислагич ва БЗСС-1,0, БЗТС-1,0 ва БЗТХ-1,0 тирмалардан ташкил топган агрегатлар қўлланилади. Аммо, кўп ҳолларда уларнинг таъсирида дала юзасидаги кесаклар етарли даражада майдаланмаслиги ва экиш даврида майдаланмай қолган кесаклар сеялка экич(сошник)ларининг нотекис (экиш чуқурлиги бўйича) юришига ва уруғларни ҳар хил чуқурликка тушишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида биринчидан уруғлар тўлиқ униб чиқмайди, иккинчидан униб чиққан майсалар нотекис ривожланади. Бунга йўл қўймаслик учун фермер ва деҳқон хўжаликларда экиш олдидан ерлар қўшимча 2-3 марталаб молаланади ва тирмаланади. Бу ўз навбатида ерларни экиш учун тайёрлашда ёнилғи, меҳнат ва бошқа харажатлар сарфини ошиши, тупроқнинг ортиқча зичланиши, ундаги намнинг йўқолиши ва экиш муддатларининг чўзилиб кетишига олиб келади. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, мавжуд молалар ва тирмалардан ташкил топган агрегатлар тиркама бўлганлиги сабабли фойдаланиш учун ноқулай, юқори материалҳажмдорлик, паст маневрчанлик ва иш унумига эга, катта бурилиш майдонини талаб этади (ва демак салт юришга кўп вақт сарфланади) ҳамда тирмаларни тикилиб қолган ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалаш қўл кучи билан бажарилади. Булардан ташқари мола ва тирмалардан ташкил топган агрегатларни бир даладан иккинчи далага ўтказиш ҳам қўшимча қўл кучи ва транспорт воситасини талаб этади.

Диссертациянинг «**Текислагич-юмшаткич машинаси параметр-ларини назарий асослаш**» деб номланган иккинчи бобида ерларни экишга тайёрлайдиган машина текислагич-юмшаткичининг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ўтказилган илмий-тадқиқот ишла-рининг таҳлили ва олиб борилган изла-нишлар асосида ерларни экишга тайёр-лайдиган машина текислагич-юмшатки-чининг конструктив схемаси ишлаб чиқилган (1-расм). Машина осиш қурилмаси билан



1-осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама; 2-текислагич; 3- пичоқлар; 4-тортқи; 5-ғалтакмола  
**1-расм. Ерларни экишга тайёрлайдиган машинанинг конструктив схемаси**



1-текислагичнинг олдинги қисми;  
2-текислагичнинг орқанги қисми; 3-пичоқлар  
**2-расм. Текислагич-юмшаткичнинг схемаси ва параметрлари**

gradus;  $h_n$  – пичоқ-нинг узунлиги, м;  
 $a$ – пичоқлар орасидаги кўндаланг масофа, м;  $L_6$  – пичоқлар орасидаги бўйлама масофа, м.

**Текислагич-юмшаткич текислай-диган қисмининг зичлайдиган қисмига нисбатан ўрнатилиш бурчаги.** Дала юзаси сифатли текисланишини таъминлаш учун қўйидаги шарт бажарилиши лозим (3-расм)

$$\beta < \frac{\pi}{2} + \varphi \quad (1)$$

Акс ҳолда тупроқ бўлақлари бўйлама йўналишда етарли даражада сурилмасдан тупроққа ботириб юборилади. Бунинг натижасида дала юзаси етарли даражада сифатли текисланмайди. (1) ифодага  $\varphi$  ни маълум қийматларини ( $30-35^\circ$ ) қўйиб, текислагич текислайдиган қисмининг зичлайдиган қисмига нисбатан эгилиш бурчаги кўпи билан  $125^\circ$  бўлиши лозимлиги аниқланди.

**Текислагичнинг баландлиги  $H_T$**  ни олдида ҳосил бўладиган тупроқ уюми унинг устидан ошиб кетмаслик шартидан келтириб чиқарилган қўйидаги ифода бўйича аниқланди

жиҳозланган рама, унга ўрнатиш текислагич-юмшаткич ва планкали ғалтакмоладан ташкил топган. Текислагич-юмшаткич рамага қўзғалмас (қаттик), ғалтакмола эса шарнирли бириктирилган. Машинанинг текислагич-юмшаткичи икки қисмдан, яъни олдинги текислайдиган ва орқанги зичлайдиган қисмлардан ташкил топган бўлиб, орқанги қисмининг ишчи сиртига пичоқлар ўрнатиш ҳамда қўйидагилар унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этадиган асосий параметрлари ҳисобланади (2-расм):

$$H_T \geq \sqrt{\frac{4Z_0 \ell_n}{\pi [\operatorname{ctg} \mu - \operatorname{ctg} \beta]}} + h_1 \left(1 - \frac{\rho_0}{\rho}\right). \quad (2)$$

бунда  $Z_0$  – нотекисликларнинг баландлиги, м;  $\ell_n$  – нотекисликларнинг характерли узун-лиги, м;  $\mu$  – текислагич олдида ҳосил бўладиган тупроқ уюмининг оғиш бурчаги, градус;  $\rho_0$  – тупроқнинг текислагич ўтишидан олдинги зичлиги,  $\text{kg/m}^3$ ;  $\rho$  – тупроқнинг текислагич ўтгандан кейинги зичлиги,  $\text{kg/m}^3$ ;  $h_1$  – текисланиши ва зичланиши лозим бўлган тупроқ қатламнинг қалинлиги, см.

(2) шарт бажарилмаса тупроқ юзасини сифатли текисланиши таъминланмайди.

$Z_0=5$  см;  $h_1=30$  см;  $\rho_0=1,1$   $\text{g/cm}^3$ ;  $\rho=1,2$   $\text{g/cm}^3$ ;  $\ell_n=45$  см;  $\beta=125^\circ$ ;  $\mu=45^\circ$  қабул қилиниб, (2) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар текислагичнинг баландлиги камида 13,6 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

**Текислагич-юмшаткич кесувчи пичоқларининг ўткирланиш бурчагини** уларнинг олдида тупроқ ёпишиб ва уюлиб қолмаслик шартидан аниқланди. Ўтказилган тадқиқотларимизни кўрсатишича бунинг учун пичоқ билан ўзаро таъсирлашишида бўлган тупроқ бўлақларининг кўндаланг йўналишдаги тезлиги  $V_k$  (3-расм) максимал қийматга эга бўлиши лозим.

3-расмда келтирилган схемага биноан

$$V_k = V \frac{\sin \gamma}{\cos \varphi} \cos (\gamma + \varphi), \quad (3)$$


бунда  $V$  – агрегатнинг илгариланма ҳаракатдаги тезлиги, м/с;  $\varphi$  – тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, градус.

$\gamma$  бурчакнинг  $V_k$  максимал бўлишини таъминлайдиган қийматларида тупроқни текислагич-юмшаткич пичоғининг ишчи сиртларига ёпишиб қолиши ва унинг олдида уюлиб қолиш эҳтимоли энг кам бўлади ва шу сабабли у тортишга кам қаршилик кўрсатади, технологик жараён сифатли бажарилади. Шунинг учун текислагич-юмшаткич пичоғининг ўткирланиш бурчагини  $V_k$  тезлик максимал қийматига эга бўлиши шартидан аниқлаймиз.

$$\gamma = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi}{2}. \quad (4)$$

Бу олинган ифодага  $\varphi$  ни маълум бўлган қийматларини ( $25-35^\circ$ ) қўямиз ва  $\gamma$  бурчак  $27^\circ 30' - 33'$ ,  $2\gamma$  эса  $55-65^\circ$  оралиғида бўлиши лозимлигини аниқлаймиз. Демак, текислагич-юмшаткич пичоғининг ўткирланиш бурчаги  $55-65^\circ$  оралиғида бўлиши лозим.

**Пичоқларнинг узунлигини** уруғларни экиш чуқурлигидан келиб



3-расм. Текислагич-юмшаткич пичоғи таъсири остидаги тупроқ бўлақларининг тезлигини аниқлашга доир схема

чиққан ҳолда аниқлаймиз. Бунга сабаб пичоқлар тупроққа айнан шу чуқурликда ишлов берилишини таъминлаши лозим.

Ишлаб чиқиладиган машина асосан чигит экиладиган ерларга ишлов беришда қўлланилиши ва чигитлар 4-6 см чуқурликка экилишини ҳисобга оладиган бўлсак, пичоқларнинг узунлигини 6 см қабул қилиш мумкин.

**Пичоқлар орасидаги кўндаланг масофа** улар томонидан ишлов берилаётган қатламга тўлиқ ишлов берилишини таъминлаш шартидан келиб чиққан ҳолда аниқланди ва қуйидаги ифодага эга бўлинди

$$a \geq 2 h_n \operatorname{tg} \psi_\delta, \quad (5)$$

бунда  $h_n$  – пичоқнинг узунлиги, м;  $\psi_\delta$  – тупроқнинг ёнбош синиш бурчаги, gradus.

(5) ифода бўйича  $h_n = 5$  см ва  $\psi_\delta = 45^\circ$  бўлганда ўтказилган ҳисоблар пичоқ орасидаги кўндаланг масофа 10 см дан катта бўлмаслигини кўрсатди.

**Пичоқлар орасидаги бўйлама масофани** улар орасига ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ тикилиб қолмаслиги шартидан қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$L_\delta < K h_{\max} \operatorname{tg} \psi_2 \cos \psi_1 + S \operatorname{ctg} \gamma, \quad (6)$$

бунда  $K=1,5 \div 1,7$  – иш органи олдида тупроқ уюмланишини ҳисобга олувчи коэффициент;  $h_{\max}$  – пичоқларнинг тупроққа энг катта ботиш чуқурлиги, м;  $\psi_1$  – тупроқнинг горизонтал текисликдаги силжиш бурчаги, gradus;  $\psi_2$  – тупроқни пичоқнинг ишчи сиртига нисбатан синиш бурчаги, gradus;  $S$  – пичоқнинг қалинлиги, м.

(6) ифода бўйича  $S=0,01$  м,  $h_{\max}=0,07$  м,  $\psi_1=40^\circ$ ,  $\psi_2=50^\circ$ ,  $\gamma=30^\circ$  бўлганда ўтказилган ҳисоблар пичоқлар орасидаги бўйлама масофа 12,5 см дан кам бўлмаслиги кераклигини кўрсатди.

**Текислагич-юмшаткич зичлайдиган қисми ишчи сиртининг узунлигини** 2-расмда келтирилган схемасига мувофиқ қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$L \geq l_1 + 2 L_\delta + l_2, \quad (7)$$

бунда  $l_1$  – текислагич-юмшаткич зичлагичининг олдинги қисмидан биринчи қаторда жойлашган пичоқларгача бўлган масофа, м;  $l_2$  – учинчи қаторда жойлашган пичоқлардан зичлагичнинг орқанги қисмигача бўлган масофа, м.

$l_1 = l_2 = 150$  мм қабул қилиб ва  $L_\delta$  – ни юқорида аниқланган қийматини (7) ифодага қўйиб, текислагич-юмшаткичнинг зичлайдиган қисмини ишчи сиртини узунлигини камида 550 мм бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

**Текислагич-юмшаткичнинг солиштирма тортишга қаршилигини аниқлаш** учун қуйидаги ифода келтириб чиқарилди

$$R_y^c = \frac{1}{2} [f_2 \rho_0 h_{np}^2 g (\operatorname{ctg} \mu - \operatorname{ctg} \beta)] \left( 1 + \frac{W}{100} \right) +$$


$$\begin{aligned}
& + \frac{1}{2} f_1 q_0 h_1^2 \left( 1 - \frac{\rho_0}{\rho} \right)^2 + \frac{1}{a} \left[ \frac{S^2 (2h_n - l_0)^2 q_0 \cos \varphi}{16 h_n \sin \gamma \cos (\gamma + \varphi)} + \right. \\
& \left. + h_n^2 \rho V^2 \left( 1 + \frac{W}{100} \right) \sin \gamma \operatorname{tg} \psi_\delta \right] \frac{\sin (\gamma + \varphi)}{\cos \varphi}. \quad (8)
\end{aligned}$$

бунда  $f_2$  – тупрокнинг тупроққа ишқаланиш коэффиценти;  $g$  – эркин тушиш тезланиши,  $\text{m/s}^2$ ;  $h_{np}$  – текислагич олдида уюмланидиган тупроқ призмасининг баландлиги,  $\text{m}$ ;  $f_1$  – тупрокнинг зичлайдиган қисм ишчи сиртига ишқаланиш коэффиценти;  $q_0$  – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффиценти;  $l_0$  – пичоқнинг пастки ўткирланган учининг узунлиги,  $\text{m}$ .

$\rho_0=1000 \text{ kg/m}^3$ ,  $\rho=1200 \text{ kg/m}^3$ ,  $h_{np}=0,1 \text{ m}$ ,  $h_n=0,05 \text{ m}$ ,  $h_l=0,30 \text{ m}$ ,  $l_0=0,02 \text{ m}$ ,  $a=0,1 \text{ m}$ ,  $S=0,05 \text{ m}$ ,  $f_2=0,8$ ,  $f_1=0,7$ ;  $g=9,81 \text{ m/s}^2$ ;  $\psi_\delta=45^\circ$ ;  $\beta=125^\circ$ ;  $\mu=30^\circ$ ;  $\varphi=30^\circ$ ;  $W=18 \%$ ,  $\gamma=30^\circ$ ;  $q_0=1,2 \cdot 10^6 \text{ N/m}^3$  қабул қилиниб, (8) ифода бўйича ўтказилган ҳисобларнинг кўрсатишича  $1,67\text{-}2,5 \text{ m/s}$  ( $6\text{-}9 \text{ km/h}$ ) иш тезлигида текислагич-юмшаткичнинг тортишга қаршилиги  $2,2\text{-}2,4 \text{ kN/m}$  ни ташкил этди.

**Текислагич-юмшаткичнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича бир текис юриши асосан уларни тупроққа ботирувчи кучнинг ўзгарувчанлигига боғлиқ.**

4-расмда текислагич-юмшаткичга бўйлама-тик текисликда таъсир этувчи кучлар схемаси келтирилган. Ундан фойдаланиб текислагич-юмшаткич пичоқларини тупроққа ботиришини таъминлайдиган куч  $Q_T$  ни аниқлаймиз



**4-расм. Бўйлама - тик текисликда текислагич-юмшаткичга таъсир этувчи кучлар схемаси**

$$Q = N_T = m_T g - R_y \operatorname{tg} \alpha_T, \quad (9)$$

бунда  $N_T$  – тупроқ томонидан текислагич-юмшаткич текислагич-юмшаткичнинг пичоқларига таъсир этаётган тик реакция кучи,  $\text{N}$ ;  $m_T$  – текислагич-юмшаткичнинг массаси,  $\text{kg}$ ;  $\alpha_T$  – текислагич-юмшаткичнинг бўйлама-тик текисликдаги тортиш чизигини, яъни у оний айланиш (5-расмдаги  $\pi$  нукта) ва

қаршилиқ (4-расмдаги  $O$  нуқта) марказларини бирлаштирувчи  $\pi O$  чизиқни ёки  $P_{xz}$  кучнинг горизонтга оғиш бурчаги,  $\text{gradus}$ ;  $R_y$  – текислагич-юмшаткичнинг тортишга қаршилиқ кучи,  $N$ .

(9) ифодадан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич пичоқларининг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини таъминлаш учун у тортиш чизиғининг горизонтга оғиш бурчаги мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиши лозим.

$\alpha_T$  бурчакни текислагич-юмшаткич, унинг осиш қурилмаси ва трактор осиш механизмининг параметрлари ва ўлчамлари орқали ифодалаймиз

$$\begin{aligned} \alpha_T = \arctg \{ & H_2(H_3 - H_1 + h_n) \left[ \sqrt{l_T^2 - (H_3 - H_1 + h_n)^2} - X_A \right] + (H_1 - 0,5h_n) \times \\ & \times \left[ (H_2 - Z_A) \sqrt{l_T^2 - (H_3 - H_1 + h_n)^2} - X_A (H_3 - H_1 + h_n) \right] \} : \\ & : \left\{ H_2 \sqrt{l_T^2 - (H_3 - H_1 + h_n)^2} \left[ \sqrt{l_T^2 - (H_3 - H_1 + h_n)^2} - X_A \right] + \right. \\ & \left. + L_T \left[ (H_3 - Z_A) \sqrt{l_T^2 - (H_3 - H_1 + h_n)^2} - X (H_3 - H_1 + h_n) \right] \right\}. \end{aligned} \quad (10)$$

бунда  $H_1$  – текислагич-юмшаткичнинг таянч текислиги (пичоқлари учи)дан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталари  $C(C_1)$  гача бўлган тик масофа,  $m$ ;  $H_2$  – текислагич-юмшаткич осиш қурилмасининг пастки  $C(C_1)$  ва юқориги  $B$  осиш нуқталари орасидаги тик масофа,  $m$ ;  $H_3$  – трактор таянч текислигидан у осиш механизми пастки бўйлама тортқилари  $D(D_1)$  гача бўлган тик масофа,  $m$ ;  $X_A, Z_A$  – мос равишда трактор осиш механизмининг кўзгалмас нуқталари  $A$  ва  $D(D_1)$  орасидаги горизонтал ва тик масофалар,  $m$ ;  $h_n$  – ишлов бериш чуқурлиги,  $m$ ;  $l_T$  – трактор осиш механизми пастки бўйлама тортқиларининг узунлиги,  $m$ ;  $L_T$  – текислагич-юмшаткичнинг пастки осиш нуқталаридан унинг қаршилиқ маркази  $O$  гача бўлган бўйлама масофа,  $m$ .

(10) ифодадаги  $H_2, H_3, X_A, Z_A, l_T$ , ва  $L_T$  масофалар стандартлашганлиги ҳамда трактор ва текислагич-юмшаткич конструкцияларидан маълум бўлганлиги, ишлов бериш чуқурлиги эса агротехник талабларга мос келиши лозимлиги сабабли, текислагич-юмшаткичнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминлайдиган юқорида таъкид-ланган шарт, яъни текислагич-юмшаткичнинг тортиш чизиғини горизонтга оғиш бурчаги мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиш шarti асосан  $H_1$  масофани ўзгартириш ҳисобига таъминланади.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш учун ишлаб чиқилган лаборатория-дала қурилмасининг тузилиши ва текислагич-юмшаткич пичоқлари узунлиги, пичоқлар орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар ҳамда текислагич-юмшаткичга бериладиган тик босим кучини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган бир ва кўп омилли тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи

босқичда текислагич-юмшаткич пичоқлари узунлиги, пичоқлар орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофа, текислагич-юмшаткичга бериладиган тик босим кучи ва текислагич-юмшаткич таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофа ҳамда иш тезлигини уларнинг тортишга солиштирма, яъни бир метр қамров кенглигига тўғри келадиган қаршилиги, тупроқнинг зичлиги, тупроқнинг уваланиш сифати ва дала юзасидаги нотекисликлар баландлигига таъсири ўрганилди. Иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди. Ҳар иккала босқичда ҳам тажрибалар ҚХМИТИ тажриба участкасининг далаларида ўтказилди.

Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотларда 6-9 km/h ҳаракат тезлигида кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаш учун текислагич пичоқларининг узунлиги 60-70 mm, пичоқлар орасидаги кўндаланг масофа 60-80 mm, бўйлама масофа эса камида 150 mm ва текислагич таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофа 600-650 mm ҳамда текислагич-юмшаткичга бериладиган тик босим кучи ҳар бир метр қамраш кенглигига 2,2-2,6 kN/m оралиғида бўлиши лозимлиги аниқланди.

Текислагич-юмшаткичнинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун Хартли-5 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди. Бунда текислагич-юмшаткичнинг пичоқлари узунлиги ва улар орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар, унга бериладиган тик юкланиш кучи ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этадиган омиллар сифатида танлаб олинди. Улар қуйидагича шартли белгиланди:  $X_1$  – пичоқлар орасидаги кўндаланг масофа, mm;  $X_2$  – пичоқлар орасидаги бўйлама масофа, mm;  $X_3$  – текислагич-юмшаткичга бериладиган тик юкланиш, kN;  $X_4$  – пичоқларнинг узунлиги, mm;  $X_5$  – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, km/h.

Баҳолаш мезони сифатида ишлов берилган тупроқнинг зичлиги ( $Y_1$ , g/cm<sup>3</sup>), уваланиш даражаси, яъни ўлчами 25 mm дан кичик фракциялар миқдори ( $Y_2$ , %) ва текислагич-юмшаткичнинг тортишга қаршилиги ( $Y_3$ , kN/m) ҳамда дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги ( $Y_4$ , cm) қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган натижалар бўйича мезонларни адекват ифодаловчи ушбу регрессия тенгламалари олинди:

$$\begin{aligned}
 & \text{– ишлов берилган тупроқнинг зичлиги бўйича (g/cm}^3\text{)} \\
 & Y_1 = 1,163 + 0,103X_1 + 0,044X_2 + 0,129X_3 - 0,229X_4 - 0,049X_5 + 0,026X_1^2 + \\
 & \quad + 0,078X_1X_2 + 0,045X_1X_3 - 0,061X_1X_4 + 0,068X_1X_5 + 0,060X_2X_3 + \\
 & \quad + 0,005X_2X_4 + 0,003X_2X_5 - 0,008X_3^2 - 0,003X_3X_4 - \\
 & \quad - 0,051X_3X_5 - 0,017X_4X_5 - 0,006X_5^2; \quad (11)
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 & \text{– ишлов берилган тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (\%)} \\
 & Y_2 = 80,498 - 0,867X_1 + 1,080X_2 + 2,524X_3 + 4,070X_4 + 2,030X_5 - \\
 & \quad - 1,643X_1^2 + 1,635X_1X_2 + 0,810X_1X_3 - 1,140X_1X_4 - 0,544X_1X_5 - \\
 & \quad - 0,593X_2^2 + 0,723X_2X_3 - 0,777X_2X_4 + 3,777X_2X_5 - 2,193X_3^2 -
 \end{aligned}$$

$$-0,760X_3X_4-0,890X_3X_5-2,410X_4^2-1,190X_4X_5+2,890X_5^2; \quad (12)$$

– текислагич-юмшаткичнинг тортишга солиштирма қаршилиги бўйича (kN/m)

$$Y_3=2,188-0,082X_1-0,170X_2+0,164X_3+0,340X_4+0,101X_5+0,109X_1^2+0,087X_1X_2-0,053X_1X_3+0,000X_1X_4+0,123X_1X_5+0,102X_2^2-0,199X_2X_3-0,073X_2X_4+0,294X_2X_5-0,108X_3^2+0,099X_3X_4-0,111X_3X_5+0,162X_4^2+0,000X_4X_5+0,114X_5^2; \quad (13)$$

– дала юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши бўйича (cm)

$$Y_4=2,422-0,073X_1+0,071X_2-0,107X_3+0,316X_4-0,449X_5+0,043X_1^2+0,006X_1X_2+0,011X_1X_3+0,014X_1X_4-0,049X_1X_5-0,005X_2^2+0,055X_2X_3-0,011X_2X_4+0,079X_2X_5+0,074X_3^2-0,006X_3X_4+0,006X_3X_5+0,225X_4^2+0,020X_4X_5-0,071X_5^2. \quad (14)$$

Олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўришиб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезирали таъсир кўрсатган.

Регрессия тенгламалари  $Y_1$  мезон 1,1-1,2 g/cm<sup>3</sup> оралиғида,  $Y_2$  мезон 80% дан катта,  $Y_3$  мезон минимал қийматга эга бўлиши ҳамда  $Y_4$  мезон ўртача квадратик четланиши 5 м масофада ±2 см дан кичик шартларидан келиб чиқиб MS Excel ва Planex дастурлари бўйича биргаликда ечилди.

Олинган натижалар бўйича текислагич-юмшаткич 6,0-9,0 km/h иш тезликларида далалар юзасига талаб даражасида ишлов берилишини таъминлаши учун унинг пичоқлари узунлиги 63,11-67,13 mm, пичоқлар орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар мос равишда 62,5-72,8 mm ва 173,8-178,9 mm, текислагичга бериладиган солиштирма тик юкланиш 2,37-2,45 kN/m оралиғида бўлиши лозим. Бунда ишлов берилган тупроқ зичлиги 1,10-1,15 g/cm<sup>3</sup> ни, тупроқнинг уваланиш даражаси 80,2-86,2 % ни ва текислагич-юмшаткич машинасининг тортишга қаршилиги 2,29 – 2,48 kN/m ни ҳамда дала юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши 0,92-1,92 cm ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич синовларининг натижалари ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткич тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткични қўллаш тупроққа экиш олдидан ишлов беришда меҳнат сарфини 43,5 % га ва эксплуатацион харажатларни 11,0 % га камайтиради. Буни ҳисобига битта машинани қўллашдан олинадиган йиллик иқтисодий самара 6521863 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

«Ерларни экишга тайёрлайдиган машина текислагич-юмшаткичининг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ерларни экишга тайёрлайдиган техник воситалар конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатадики, текислагич-юмшаткич конструкцияси ва технологик иш жараёнини такомиллаштириш ерларни экишга тайёрлаш сифати ва унумини ошириш имконини беради.

2. Текислагич-юмшаткич текислайдиган қисмининг зичлайдиган қисмига нисбатан эгилиш бурчаги кўпи билан  $125^\circ$  бўлиши, баландлиги камида 136 mm бўлиши дала юзасининг сифатли текисланишини таъминлайди.

3. Пичоқларнинг ўткирланиш бурчагини  $55-65^\circ$  оралиғида ва улар орасидаги кўндаланг масофани кўпи билан 100 mm бўлиши тупроқни текислагич-юмшаткич пичоғининг ишчи сиртларига ёпишиб қолмаслиги, уларнинг олдида уюлмаслиги ҳамда ишлов берилаётган қатламга тўлиқ ишлов бериш имконини беради.

4. Пичоқлар орасидаги бўйлама масофани камида 125 mm бўлиши улар орасига ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ тиқилиб қолмаслигини таъминлайди.

5. Текислагич-юмшаткич зичлайдиган қисми ишчи сиртининг узунлиги камида 550 mm бўлиши дала юзасини агротехник талабларда зичланиши учун имконият яратилади.

6. Текислагич-юмшаткичнинг 6-9 km/h ҳаракат тезлигида ҳар бир метр камраш кенглигига тўғри келадиган тортишга қаршилиги 2,2-2,4 kN оралиғида бўлиши ерларни экишга тайёрлаш жараёнини кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатида амалга ошириш имконини беради.

7. Текислагич-юмшаткичнинг таянч текислигидан осиб қурилмасининг пастки осиб нуқталаригача бўлган тик масофа 600-650 mm бўлганда уни белгиланган ишлов бериш чуқурлигига ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши учун имконият яратилади.

8. 6-9 km/h иш тезликларида текислагич-юмшаткич пичоқларининг узунлиги 66,8-68,5 mm ва уларнинг орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар мос равишда 62,5-72,8 mm ва 173,8-178,9 mm, текислагич-юмшаткичга бериладиган солиштирма тик босим кучи 2,37-2,45 kN/m оралиғида бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда далалар юзасига белгиланган агротехник талаблар бўйича ишлов бериш имконини беради.

9. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган текислагич-юмшаткични ерларни экиш учун тайёрлашда қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан тупроққа ишлов беришда ҳар бир гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатлар 11,0 % гача камайди. Бунда битта машинага йиллик иқтисодий самара 6521863 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.90.01.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ  
ИНСТИТУТ**

**ХАЛИЛОВ МИРКОМИЛ МИРЗАТОЛИБОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ВЫРАВНИВАТЕЛЯ-РЫХЛИТЕЛЯ  
МАШИНЫ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ ЗЕМЕЛЬ К СЕВУ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Т1203.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.nammqi.uz](http://www.nammqi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Имомкулов Кутбиддин Бокижонович**  
доктор технических наук, с.н.с.

**Официальные оппоненты:**

**Тожиев Расулжон Жумабоевич**  
доктор технических наук, профессор

**Нормирзаев Абдукаюм Рахимбердиевич**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:**

**Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: [nmpi\\_info@edu.uz](mailto:nmpi_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер \_\_\_\_). (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23.)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Н.Г. Байбобоев**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степени в.и.о., д.т.н., доцент

**В.М. Турдалиев**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., доцент

**А.Х. Умурзаков**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире ведущее место занимает разработка и внедрение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных машин для предпосевной обработки почвы. «Если учесть, что сейчас в мировом масштабе площадь земель, обрабатываемых перед севом, составляет 1,6 млрд. гектаров<sup>1</sup>, то важной задачей считается создание энерго-ресурсосберегающих агрегатов применяемых при предпосевной обработке почвы с высоким качеством работы и эффективностью. Вместе с этим, в связи повышением потребности к сельскохозяйственным продукциям, особое внимание уделяется техническому и технологическому модернизацию машин, обрабатывающих почву качественно для получения высоких урожаев культур.

В мире большое внимание уделяется качественной предпосевной обработке почвы для получения обильного урожая сельскохозяйственных культур. Так как не качественное проведение данного мероприятия, т.е. содержание комков в почве, вместо того чтобы быть мелкокомковатым, которые препятствует севу семян сельскохозяйственных культур по агротехническим требованиям, в результате не дает получить дружные всходы засеянных семян и нормы ростков на каждый гектар. Это в свою очередь приводит к снижению урожайности культур и объема производства продукции, поэтому важной задачей считается правильный выбор вида культур, осуществление целевых научных исследований по дальнейшему усовершенствованию технических средств, обеспечивающих снижение ручного труда и ресурсов, сохраняющих плодородия почвы и повышающих качества работ.

В результате осуществляемых широких реформ и глубоких составных изменений в сельском хозяйстве, проводятся весомые работы по созданию и модернизации перспективных агро технологии получения обильных и качественных урожаев сельскохозяйственных культур, повышения объема производимых продукции, правильный выбор вида культур, дальнейшее усовершенствование технических средств, обеспечивающих сбережения плодородья почвы, за счет снижения ручных работ и ресурсов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрено дальнейшее развитие сельского хозяйства, в частности, «... к 2030 году увеличение объема внутренней валовой продукции более чем в два раза, оптимизация посевных площадей, рациональное использование земельных и водных ресурсов, внедрение современных интенсивных технологий в 2017-2021 годы»<sup>2</sup>. При выполнении этих задач, в частности важным является снижение трудовых затрат, повышение эффективности и качества работ, обеспечивающего энергоресурса сбережения за счет

---

<sup>1</sup><http://www.nrcs.usda.gov>, <http://cropwatch.unl.edu/tillage/ridge>; <https://www.moluch.ru>, <https://www.zerno-ua.com>.

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

